

**БЕДА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ДОН ВА КЎК МАССА
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

Рашидов Кувончбек Турғунбой угли

Тошкент давлат аграр университети талабаси

doktorquvonch0599@gmail.com

Олишева Мафтуна Қахрамон қизи

Тошкент давлат аграр университети талабаси

Таянч сўзлар: Ем-хашак, дуккак, уруғ, нав, беда, озуқабоп, биомасса, мелорант, ҳосил, маҳсулот, самара, тупроқ, эрозия, микрофауна, физик, биологик.

Дунё тажрибаси қишлоқ хўжалигида дуккакли ем-хашак экинлари тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида тупроқдаги кечадиган шамол эрозияси(дефляция), ирригацион эрозия олдини олишда, тупроқларни органик моддалар билан бойитишда, агрофизик ва механик хоссаларини ҳамда биологик ҳолатини яхшилаш алмашлаб экиш тизимида экиш тавсия этилади. Шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш борасида гўшт ва сут маҳсулотларини миқдори ва сифатини оширишда чорва моллари учун энг яхши озуқабоп экин сифатида экиш кенг қўлланилган.

Ем-хашак сифатида экиладиган беда ўсимлиги тупроқ микрофаунаси, физик-механик хоссаларини ва агрокимёвий таркибини яхшилашда учун тупроқда биомасса ҳосил қилишда иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорликга эга бўлган биологик мелиорант ҳисобланади. Беда қишлоқ хўжалигида қисқа навбатлаб экиш тизими учун биологик жиҳатдан тоза бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш талаб этиладиган тупроқларнинг унумдорлик ва экологик ҳолатинини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, қишлоқ хўжалигида уйғунлашган тизимда икки томонлама, яъни деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари фаолиятини ривожлантириш учун муҳим манба ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамиз аҳоли сонинг ортишиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ички бозоримизда деҳқончилик тармоғида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдори ва тан нарҳи чорвачиликда етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулотларига нисбатан анча арзон. Гўшт, сут маҳсулотларимикдори ва сифатини оширишда давлат дастурлари доирасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачиликни тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ 4243 сонли 18 март 2019 йилдаги қарорида чорва молларининг озуқа базасини

кенгайтириш ҳамда фермер хўжаликларда озуқабоп экинларни экиш. Жумладан; ем-хашак экини сифатида беда экишни жорий қилиш тўғрисида кўрсатмалар берди.

Президентимиз томонидан беда экиш майдонларини қарор асосида белгилаб берилиши республикада аҳолини сифатли ва мўл маҳсулотлар етиштиришда талаб қилинадиган экологик ҳамда биологик жиҳатдан унумдор тупроқ ҳамда чорва моллари учун озуқабоп ем-хашак билан тامينлаш учун беда экиш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тақозо этмоқда. Шунингдек, беда дуккакли ем-хашак экин сифатида барча қишлоқ хўжалик экинлари кузги буғдой, ғўза, сабзавот экинларининг барча турлари учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизфермер хўжаликлар экин майдонида асосан ғўза-ғаллаалмашлаб экиш ёки муттасил экиш тизимида деҳқончилик қилинмоқда. Бу ўз навбатида тупроқ унумдорлигига салбий таъсири кузатилади. Жумладан, Тошкент вилояти шароитида ғалла экинлари ҳосили йиғиштириб олингандн кейин экин майдони ёз ойларида бўладиган юқори ҳаво ҳароти таъсирида тупроқнинг юза қатлами куриб қолиши натижасида микроорганизмлар нобуд бўлиб, биологик жараёнлар тўхтайди. Шунингдек тупроқда ўтмишдош экинлар қоладиган илдиз ва анғиз қолдиқларини микроорганизмлар таъсирида парчаланиши ҳамда ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган озуқа моддалар ҳосил бўлиши тўхтайди. Бундан ташқари энг ачинарли ҳолатлар кузатилади, яъни ғалла ўримида кейин экин майдонини шудгорлаш туфайли тупроқнинг пастки қатламдаги фойдали микроорганизмлар юзага чиқиб қолиб иссиқ ҳаво ҳарорати таъсирданобуд бўлади. Бундан ташқари шамол таъсирида тупроқларда дефляция кузатилади.

Беда етиштириш агротехникасига кўра суғориш тадбирларини йил давомида олиб бориш натижасида тупроқнинг намлик баланси бузилмайди. Шу боис тупроқда биологик жараёнлар давом этади. Бундай жараёнларни бориши тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир қилади. Тадқиқотларга кўра Р.О.Ориповнинг тупроқ унумдорлигини оширишда асосий феноген сифатида тупроқда йил давомида бўладиган микробиологик жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот олиб боришдан мақсад фермер хўжаликларига донли экинлар билан бирга бедани икки муддатда(кузги ва эрта баҳорги) ва иккита экиш усулида(донли экинлар билан кўшиб экиш ва донли экинлар қатор орасига) экиш орқали олинадиган дон ва кўк масса ҳосил миқдорини белгилашдан иборат. Энг асосий жиҳати шундаки ғалла экинлари экилган майдондан йилига икки марта ҳосил олиш мақсадида экиладиган тақрорий экин экиш учун сарфланадиган маблағни Беда етиштириш агротехникасига кўра суғориш тадбирларини йил давомида олиб бориш натижасида тупроқнинг намлик баланси бузилмайди. Шу

боис тупрокда биологик жараёнлар давом этади. Бундай жараёнларни бориши тупрок унумдорлигига ижобий таъсир қилади. Тадқиқотларга кўра Р.О.Ориповнинг тупрок унумдорлигини оширишда асосий феноген сифатида тупрокда йил давомида бўладиган микробиологик жараёнлар ҳисобланади.

Тадақиқот олиб боришдан мақсад фермер хўжаликларига донли экинлар билан бирга бедани икки муддатда(кузги ва эрта баҳорги) ва иккита экиш усулида(донли экинлар билан кўшиб экиш ва донли экинлар қатор орасига) экиш орқали олинандиган дон ва кўк масса ҳосил миқдорини белгилашдан иборат. Энг асосий жиҳати шундаки ғалла экинлари экилган майдондан йилига икки марта ҳосил олиш мақсадида экиладиган такрорий экин экиш учун сарфланандиган маблағни иқтисод қилишга эришиш мумкин.

Бошоқли дон экинлари билан бирга бедани аралаш экин сифатида ва қатор орасига экиш учун ўсимликларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб мақбул агротехника ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунда, донли экинлар турлари ва навлари ҳамда экиш муддатлари, меъёрларини ўз ичига олади.

Бедани аралаш экин сифатида ва қатор орасига экиш учун ўсимликларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб мақбул агротехника ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунда, донли экинлар турлари ва навлари ҳамда экиш муддатлари, меъёрларини ўз ичига олади.

Хулосалар

1. Тадақиқот натижаларига кўра кузги муддатда буғдойнинг“Ғозғон” нави экилган майдонда эрта баҳорда беда экилганда юқори дон ҳосилдорлигига эришилди(49,4 ц/га). Кўк масса ҳосилдорлиги эса бошқа вариантларга нисбатан кам бўлганлиги аниқланди(110,5 ц/га).

2. Кузги муддатда эрта пишар буғдойнинг “Бунёдкор” нави билан бирга беда экилган вариантда юқори кўк масса ҳосил қилиши аниқланди(270,1 ц/га). Ўз ўрнида шуни такидлаб ўтиш лозимки, эрта пишарбуғдой навлари билан экилган беда ўрим муддати эртачи ўтказилиб, сабаблисуғориш муддати ўз вақтида амалга оширилгандан натижасида биомасса камайиши кузатилмайди. Бундан шуни хулоса қилиб айтиш жоизки, бедани кузги муддатда эрта пишар буғдой навлари билан экилганда, эртачи ўрим-йиғим ўтказилиб, кўк массадан юқори ҳосил олиш мумкин.

3. Арпа билан беда кўшиб экиш муддатларидан қатъий назар кўк масса ҳосилдорлиги буғдой орасига экилганга нисбатан кам бўлиши аниқланди. Чунки, арпа буғдойга нисбатан кўп маҳсулдор поялар ҳосил қилиши натижасида бедани ўсиб, ривожланишига салбий таъсир этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Т.С.Зокиров, И.М.Раҳматов «Дехқончилик асослари» Қарши-1999

2. Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов «Ўсимликшунослик» Тошкент-2006
3. «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари»Тошкент-2007.
4. «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» Тошкент-1964

